



Ishonch

Мохият

Одамларсиз
яшама,
одамлар орасида
бўл,
Одамлар айбини
кўрма, ўз
айбингни кўр.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Тезюрар электровозлар тақдироти

Истиқлол йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида изчил ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва ХХРнинг Чжучжоу электровоз ишлаб чиқариш компанияси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ Хитой томони 2010 — 2011 йилларда 15 та тезюрар электровоз етказиб бериши режалаштирилган эди. Лекин томонларнинг келишувига мувофиқ бу электровозларнинг барчаси муддатидан олдин — жорий йилда етказиб бериладиган бўлди. Мазкур электровозларнинг дастлабки икитаси юртимизга келтирилди.

Шу муносабат билан 4 июн куни пойтахтимиздаги Марказий темир йўл вокзалида тезюрар йўловчи электровозларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Мухаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



Янги кун янгиликлари

Вилоят болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мавсумни намунали ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзги таътил бошланди

Кашқадарё вилоятида ёзги оромгоҳларга болаларни қабул қилиш бошланди. Воҳодаги 19 та хушхаво ва гўзал дам олиш масканларида бу йил 25 минг нафардан ортик ўғил-қизлар соғломлаштирилади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси 120 мингдан ортик нусхадаги бежирим гиламларни ишлаб чиқарапти.

«Сам антеп — гилам»

Шу йилнинг биринчи чорагида Қозғистон, Украина, Россияга 1 млн. 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Корхонада меҳнат қилаётган юз нафар ходимнинг саяёҳаракати билан йил охиригача 4,5 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ширин шаҳар кўмитаси шаҳар халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИХ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз» шiori остида расмлар ва ишлар танловини ўтказди.

Ёшлар одам савдосига қарши

Тадбирда шаҳардаги коллеж ва мактабларда таҳсил олаётган 50 нафар ўқувчи иштирок этди. Танлов натижасига кўра, 2-мактаб ўқувчиси Қобилбек Азимов расмлар, 1-мактаб ўқувчиси Шахноза Қорабекова эса ишлар танловини гўлиб бўлди. Коллеж талабалари ўртасидаги беллашувда омад Ширин энергетика касб-хунар коллежи талабаси Гулсара Умаровага қўлиб боқди.

Ҳалилар эсдалик совгалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Фарғона шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежи ахборот-ресурс марказида ёшлар учун 40 дан ортик тўғарақ фаолият кўрсатилмоқда. 30 ўринли ўқув ва компютер зали талабалар билан гавжум.

Ҳаёт қайнайди

6445 номдаги китоб ва электрон дарсликлар билан таъминланган кутубхона Ziyonet тармоғига уланган. Бу ерда турли маърифий тадбирлар ўтказиш аниёнага айланган. Яқинда Ўзбекистон халқ шiori Охунжон Ҳакимнинг 75 ўшга тўлиши муносабати билан ўтказилган бадиий кеча ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Коллежда иқтидорли ўқувчилар гуруҳи учун қўшимча дарс ҳам ўтилади.

Мухаммадҷон МАХМУДОВ

Кичик бизнес



Ўзур туманидаги «Мўмин-Э» хусусий фирмаси чет элдан юқори технологияларга асосланган замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб, фаолиятнинг янги турини йўлга қўйди.

Бир кунда минг донагача пайпоқ тўқиш имконини берадиган бу технологик линия тўлиқ компютер ёрдамида бошқариладиган «ZXCE-6F» ва «ZX-03» русумли дастгоҳлардан иборат. Хитойнинг Чжэньцзэн вилоятидаги юқори технологиялар индустриал паркида жойлашган «Zhenxing Machinery» компаниясининг маҳсули бўлиши бу дастгоҳларда инсталланган бичимдаги пайпоқлар ва голфларни тўқиш, уларга инсталланган шаклда безаклар тўшириш мумкин. Шунингдек, зарурат тўғрисида, 16 хил рангдаги ип-калавалардан фойдаланиш ва пайпоқларни истеъмолчилар талабларига мос кўринишларга келтириш имкони мавжуд.

Юқори технология ва... сифатли пайпоқлар

— Бу пайпоқ тўқиш линиясининг афзаллик томони шундаки, ундаги ниналар тизими Япония технологиясига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилган ва узок вақт барқарор ишлаш учун мўлжалланган, — дейди фирма раҳбари Фафур Мўминов. — Бундан ташқари, мабодо иш пайтида бирон-бир хато руй берса, махсус датчиклар дастгоҳларни автоматик равишда ўчиради ва маҳсулотда нуқсонлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Тўқиш жараёни клавиатура ҳамда суюқ кристалли дисплей орқали бошқариладиган бу дастгоҳларнинг турдош жиҳозлардан яна бир устун жиҳати борки, унда UPS (яъни электр энергияси таъминотини муайян вақт давомида барқарор сақлаш) мосламаси ўрнатилган. Шунинг учун ҳам цехда носозлик туфайли ёки бошқа сабабга кўра электр энергия таъминоти узилди қолса, тўқилаётган маҳсулотнинг шакли ва ундаги безаклар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ бошқарув тизими хотирасида сақланиб қолади. Таъминот тиклангач, тўқиш жараёни давом эттириш учун қайта дастурлашга зарурат тўғилмайди.

— Рост, юқори технологияларга асосланган бу дастгоҳлар «тиллини тушунишга ҳамманинг қурби етмайди, — дейди хитойлик мутахассис Лу Цзян Хонг. — Бирок гузорлик ёшларнинг янги дастгоҳлар ишини ўрганишга интилиши шу қадар жиддий эканки, улар уч кунга қолмай, уни тўлиқ ўзлаштириб олишди. Ваҳоланки, Хитойнинг ўзидagi корхоналарда ҳам бундан анчагина соддарок дастгоҳлар бўйича ҳафталаб тренинг ўтказишга тўғри келади.

Хитойлик мутахассис компаниясининг Қашқадарёдаги ҳамкорини янги фаолият турини йўлга қўйганлиги билан табриқлар экан, унинг мисолида Ўзбекистонда банк тизими, бозор инфратузилмаси ташкилотлари, енгил саноат соҳаси ва иқтисодийнинг бошқа тармоқлари ҳам барқарор ривожланиётганлигининг гувоҳи бўлганлигини таъкидлади. Зеро, «Мўмин-Э» фирмасининг лойиҳаси амалга ошиши учун биринчидан, Миллий банк томонидан имтиёзли кредит ажратилган бўлса, иккинчидан, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва унинг Хитойдаги ваколатхонаси томонидан тадбиркорга чет элда зарур ускуналар танлаш ва олиб келишга ёрдам берилди. Учинчидан, Қарши шаҳридаги «Cotton Road» қўшма корхонаси томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур миқдорда хом ашё — сифатли ип-кавала етказиб берилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, ЎзССП вилоят бошқармаси ва унинг Хитойдаги ваколатхонаси кўмагида воҳамиздаги яна бир қатор кичик бизнес субъектларига юқори технологияларга асосланган технологик линиялар келтирилган. Улардан бири — Қарши шаҳридаги «Найман-ЭХ» фирмасида ўтган йилнинг охирида компютер тизими ёрдамида бошқариладиган экструдер линиясида замонавий қурилиш материаллари — турли хил пластиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Ботир ТЕМИРОВ,
«Qashqadaryo» газетаси муҳбири

Чорвачилик — касба уюшма оталиғида

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 февралдаги «Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва сўт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури» республика «Насл-хизмат» уюшмаси жамоаси олдига ҳам катта вазифаларни қўйди.

Қўлни қўлга бериб

Айни чоғда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида уюшма раиси Омонулла Собиров шундай дейди:

— Жорий йилнинг биринчи чорагида 203550 доза насли бука уруғи ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, у ортиги билан худдаланди. Четдан олиб келинган зотдор сигирларни суний уруғлантиришда «Ўзнасчилик» корхонасидаги юқори маҳсулдор букалардан фойдаланилди. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош Давлат инспекция-

си билан ҳамкорликда 2010 йил учун жуфтлаш режаси ишлаб чиқилди ҳамда инспекция томонидан тасдиқланди. Худда шундай бириктириш ҳамда жуфтлаш режалари наслчилик ва товар хўжаликлари (хўдудлар) бўйича ҳам амалга оширилди. Ҳозирда 2010-2015 йилларга мўлжалланган селекция режаларини ишлаб чиқиш бошлаб юборилган бўлиб, республика бўйича чорвачиликда наслчилик ишлари Бош давлат инспекцияси ҳамда Чорвачилик илмий

тектириш институти олимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Зооветеринария ва суний уруғлантириш шохбчалари ҳамда чорвачилик хўжаликлари 1 млн. 690 минг доза на-

сли буқаларнинг музлатилган уруғи ва суюлтирилган азот етказиб бериш тизимини йўлга қўйилган бўлиб, у уюшманинг худудий «Насл-хизмат» корхоналари орқали марказлашган ҳолда амалга ошириляпти. Айни чоғда 389757 доза уруғ сотилди. Уюшманинг худудий МЧЖлари томонидан «Навоий азот», «Максам-Чирчик», «Фарғона азот» ОАЖлардан азот сотиб олиб, белгиланган жадвал бўйича тарқатиляпти.

(Давоми 3-бетда)

Бир фармон шарофати

Боқийликка кафолат

Миллий хунармандчилик аждоқлардан мерос бўлиб келаётган боқий кадрларимиздан саналади. Истиқлол йилларида соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мана ўн уч йилдирки, хунарпешалар қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлишмоқда. Уларга солиқ ва бошқа тўловлар босарида қатор имтиёзлар берилди.



Шу йилнинг 30 мартада эълон қилинган Президентимиз фармонида кўра соҳа ходимларига яратилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар 2012 йилнинг 1 апрелигача даромад солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, улардан маҳсулотларини мамлакатдан ташқарига сотиш, кўرғазмаларда иштирок этишдан олинган бож тўловлари бекор қилинди.

Бундай имконият ҳушнудлик билан қарши олингани шубҳасиз. Негаки, кейинги йилларда халқ амалий санъати билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб, биргина Самарқанд вилоятида

20 баробарга ўсди.

— Худудимиздаги хунармандлар даромад солиғи тўлаган 1996 йилда 1,9 миллион сўмлик (амалдаги нарх бўйича) маҳсулот ишлаб чиқарилганди, — дейди «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раиси Акобир Ҳакимов. — 2009 йилда эса 1,5 минг турдаги салкам 20 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мана шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳукуматимиз тармок истикболи учун алоҳида ғамхўрлик қилмоқда.

Вилоятда мухташам «Хунармандлар маркази» биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида «Рухобод» хунармандлар маркази, Рудакий кўчасида

темирчи усталар учун махсус жой, кўпгина кўча, зибратгоҳ, қадамжолардаги савдо дўконлари, кўрғазма заллари ва галерейлар фаолияти йўлга қўйилди. Қатор шаҳар ва қишлоқлардаги бозорларда ҳам махсус хунармандчилик маҳсулотлари савдоси тобора қизгин тус олмоқда. «Устоз-шогирд» мактаблари фаолият юритмоқда. Бугунги кунда қатор ўрта махсус касб-хунар коллежларида соҳа қизиқувчилари ўқитилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кўҳна меросга қадр ва боқийлик бағишланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Хисобот-сайлов конференциялари

Қатъиятли бўлайлик

Энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг раиси Омонулла Сафоевнинг маърузасидан маълум бўлишича, хисобот даврида ўтказилган пленум, фаоллар йиғилиши ва раёсат мажлисларида меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шартларини яхшилашга қаратилган 94 та долзарб масала атрофича муҳокама этилган. Иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солиб турувчи жамоа шартномалари ва келишувларига эътибор кўчатирилди. Айтиш мумкин, 135 та бошланғич касба уюшма ташкилотларида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улардаги имтиёزلардан 30 минг 751 нафар меҳнаткаш фойдаланмоқда.

Касба уюшма кенгаши томонидан тармоқ меҳнаткашларини аъзоликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси касба уюшма кўмитаси томонидан тузилган 9 та профессионал бошқарув компанияларига 8-10 тадан уй-жой мулкдорлари ширкати бирлаштирилиб, уларда касба уюшма кўмитаси ташкил этилди.

Лекин чет эл инвесторлари иштирок этаётган қўшма корхоналарда касба уюшма ташкилотни тузиш масаласи қўйинчилик билан кечмоқда.

Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги шикоят ва аризалари билан ишлаш ходимларнинг касба уюшмасига ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

Касба уюшмалари фаолиятида меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги талабларининг тўлақонли бажарилишини таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Айтиш мумкин, поиттахтимиздаги тармоқ корхоналарида 250 дан зиёд жамоатчи вакил ишчи-ҳодимларни махсус кийим-бош ҳамда шахсий химоя воситалари билан таъминлаш, хавфсизлик меъёрларига риоя этилиши юзасидан назорат ишларини олиб бормоқда. Вакиллар ўртасида меҳнат муҳофазаси юзасидан ўтказилаётган кўрик-танловда «Тошкент иссиқлик маркази» очик акциядорлик жамияти, «Тошкент текстил» қўшма корхонаси, «Тошиссиқликкувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сувсос» ҳамда «Тошшаҳарнур» Давлат унитар корхоналари, «Файз» холдинг компанияси голибликни бир неча бор қўлга киритди. Лекин, шунга қарамай, хисобот даврида тармоқ корхоналарида 53 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Демак, касба уюшмалари бу борада талабчанликни янада кўчатиришлари даркор.

Хисобот маърузаси юзасидан муҳокамада сўзга чиққан «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамият бошқарув раиси Саида Ганиева, Республика савдо палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Юнусобод филиали раҳбари Дилбар Зайниддинова, «Ташкент текстил» қўшма корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси Шарофат Шорустаймова ва касба уюшмасининг ташкилотчилиги корхонада меҳнат унвондорлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлаб, унинг обрўини оширишга доир қимматли мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Хисобот-сайлов конференциясида Омонулла Сафоев яна Тошкент шаҳар энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшма кенгашининг раиси вазифасига сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Ютуқлар ўзимизники

Наманган вилоят металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшма ташкилотининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Унда таъкидланишича, хисобот даврида ишловчилар ва улар оиласини ижтимоий химоялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

«Пахтамаш», «Наманганмаш», «Мехмаш» ҳиссасдорлик жамиятлари ва Чодак ИСТ МЧЖ ларда янги иш жойлари ташкил этилганлиги бунинг мисолидир. Хисобот даврида меҳнат қонунилари талабларининг бажарилиши 9 марта, ҳудудий меҳнат муҳофазаси мутахассиси томонидан 3 марта текшириш ўтказилди.

Маълумки, бошланғич касба уюшма ташкилотлари ва кенгаши олдида турган муҳим вазифалардан бири, бу жамоа шартномаларида кўрсатилган бандларнинг тўлиқ бажарилишига эришишдир. Хусусан, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз яшаётган ходимлар қўллаб-қувватланмоқда. 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан кредит қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Мазкур корхоналар тасарруфидига 350 миллиард сўмликдан ортиқ маблағни улар ихтиёрида қолдириш ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, махсулот таннархини 18 фоизга камайтириш имконини берди.

Тармоқ ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишларни қониқли билан тилга олса арзийди. Жойларда ушбу йўналишда танловлар ўтказиб бориш йўлга қўйилган бўлиб, голиблар республика босқичларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритмоқдалар. 2004-2009 йилларда «Автотеххизмат», «Мехмаш», «Олмос», «Пахтамаш» ҳиссасдорлик жамиятлари аъзолари кўрик-танловларда савринли ўринларни қўлга киритдилар.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан «Автотеххизмат» ҳиссасдорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси Сайфиддин Юсупов, «Узэлектротерм» ҳиссасдорлик жамияти бош инжениери Алексей Мирзено, Наманган стандартлаш ва материология бошқармаси директори Абдурашид Убайдуллаев, «Наманганмаш» ҳиссасдорлик жамияти касба уюшма етакчиси Химойиддин Мўминовлар кенгаш эътиборидан четда қолган масалаларни ҳам тилга олиб ўтдилар.

Чунончи, айрим жойларда хусусий секторга ўтиш жараёнида клуб ва кутубхоналар йўқ бўлиб кетди. Ҳозир улар қайта тикланмоқда. Иш ўринларининг қисқариши, маошларнинг пасайиши, иш ҳақларининг кечикиб берилиши каби салбий ҳолатлар кузатилади. Айтиш мумкин бу ҳолатларни тузатиш ҳаракати кетаяпти.

Конференцияда Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкат Одилов ва вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Пайзулло Паязов олдинда турган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Конференцияда Абдураҳмон Маҳмудов вилоят тармоқ ходимлари касба уюшма раислар кенгаши раислигига сайланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Мақсадимиз — жисмонан бақувват,

Бухоро

Факт ва рақамлар

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кўчатириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустақамлаш бўйича 2010 йилда...

— Бухоро туманидаги 10- Вобкент туманидаги 6- Пешку туманидаги 20- мактабларда қўшимча спорт заллари қурилади;
— Қоровулбозор туманидаги «Гўзал» сузиш спорт ҳавзаси муккамал таъмирланади.

— Вилоятда профессионал футбол клубига қарашли 2 та болалар ва ўсмирлар футбол мактаби реконструкция қилинади.

— Кам таъминланган 2820 та оилада вояга етаётган қизларга спорт кийимлари олиб берилади.

— Футбол билан шуғулланаётган 300 нафар кам таъминланган ёшлар спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминланади.

— Турли гуруҳларда Баркамол авлод йилга бағишлаб футбол бўйича 49 та мусобақа ўтказиш режалаштирилган.

Спорт мусика билан чамбарчас боғлиқдир. Спорт — танани пишитади, чиниктиради, иродани мустаҳкамлайди, мусика — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусикани яхши билса, мусикачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши.

Ислом КАРИМОВ

Болалар спортини ривожлантириш бўйича Бухорода кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2003-2009 йилларда биргина жамғарманинг вилоят филиали томонидан 58 та спорт иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Хусусан, 12 та янги спорт мажмуаси, 34 та умумтаълим мактабида спорт заллари, 1 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди ҳамда 11 та бўш бинолар қайта реконструкция қилиниб, спорт иншоотларига айлантирилди. Уларнинг 56 таси қишлоқ жойларида, 2 таси Бухоро ва Когон шаҳрида барпо этилди. Ушбу мақсадларга жамғарма томонидан 7 млрд. 401 млн. сўм сарфланди.

Кейинги 7 йилда манзилли қурилиш дастурига кирган спорт иншоотларидан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 109 та спорт мажмуаси қурилади ёки реконструкция қилиниди. Мазкур иншоотларга ҳомийлар томонидан 7 млрд. 619 млн. сўм маблағ сарфланди. Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» теннис спорт мажмуаси ва бокс маркази, Қоровулбозор туманида Нефтни қайта ишлаш заводи томонидан қурилган. Таркибида сузиш ҳавзаси бўлган замонавий спорт мажмуаси, Ромитан, Олот, Пешку, Шофиркон, Жондор туманларидаги бадий гимнастика марказлари, Бухоро шаҳридаги «Ширбу-

Соғлом авлод —

дин» кураш зали шулар жумласидандир. Ушбу иншоотларга жамғарма томонидан 1 млрд. 347 млн. сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари келтирилди. Сўнгги уч йил ичида 11000 нафар кам таъминланган оила фарзандлари 600 млн. сўмлик спорт кийим-кечаклари билан таъминланди.

Жамғарма томонидан қурилган иншоотларда яратилган шарт-шароитлар натижасида ўлароқ спортчиларимиз республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Масалан, Шофиркон тумани «Ревгар» спорт мажмуасидан 5-7 синф қизлар жамоаси волейбол бўйича республика биринчилигида голибликни қўлга киритиб, Қозоғистонда ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мусобақада ҳам пухта ҳозирлик кўрганлигини исботлаб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Худди шу спорт мажмуаси тарбияланувчилари бўлган 7-9 синф қизлар жамоаси қўл тўпи бўйича Самарқандда

Осиё чемпионатида каратэ бўйича Умиджон Хусенов 1-ўринни, Ниғина Уринова 2-ўринни эгаллаб, республика терма жамоаси сафига қўшилди. Кези келганда, Когон шаҳридаги «Орзу» спорт мажмуаси мини футбол жамоаси 2009 йили республика биринчилигида голибликни қўлга киритганлигини таъкидлаш истади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифаларидан бири болаларни спортга кенгроқ жалб қилишдан иборатдир. Масалан, вилоятнинг коллеж ва мактаблардаги спорт иншоотлари қувватидан самарали фойдаланиш ва уларга кўпроқ болаларни жалб қилиш мақсадида ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва умумтаълим мактаблари билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида шартномалар тузилди ҳамда уларга БУСМ мураббийлари бикритилди.

Вилоятда БУСМ 2003 йилда 34 та ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 50 тага етди. Шундан 12 таси Олим-



Юксалиш босқичида

Эртамиз эгалари — ёшларнинг баркамол вояга етишларида спортнинг нечоғли аҳамияти катталиги Тўғрисида ўзоқ гапириб ўтиришга ҳолат бўлмаса керак. Чунки бу ҳолат ҳар қадамда кўз ўнгимизда намоян. Фикримизнинг исботини туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактабларимизнинг 37 тасида барча талабаларга жавоб берадиган турли ҳажмдаги замонавий спорт заллари мавжуд. Ўқувчиларимизнинг кишин-ёзин бу ерда машғулот ўтказишлари учун етарли шарт-шароитлар, керакли спорт анжомлари бор. 153 та спорт майдончаларида баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи машғулотлари юқори савияда ўтказиб келинмоқда. 177 нафар малакали мураббий (уларнинг 62 нафари аёллар) спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича ёшларга сабоқ бермоқда.

Ўтарақ ва гуруҳларда спорт билан мунтазам шуғулланадиган ўқувчиларнинг салкам 50 фоизини қизлар ташкил қилади. Халқ таълими тизимида 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам мавжуд бўлиб, уларда 1,5 минг нафарга яқин ёшлар спортнинг 3 тури бўйича машғулотларда қатнашапти. Ўқувчиларнинг 500 нафарга яқинини қизлар ташкил этаётгани ҳам қишлоқларда спортнинг кенг миқёсда оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Газли шаҳри туман марказидан қарийб юз километр олдига, чўл бағрида жойлашган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 11-БУСМда 205 нафар ўғил-қиз маҳоратини оширишапти. Шарт-шароитларнинг етарлилиги, мураббийларнинг юқори малакага эга эканлиги тўғрисида ўқувчиларнинг 70 нафар спортчи тоифасига эга. Тумандаги 42-футболга ихтисослашган мактаб-интернатда эса футбол, кураш, бокс сирларини ўрганаётган 172 нафар ўқувчининг 134 нафарини спортчи тоифасидаги ёшлар ташкил этади.

Мактаб-интернат спортчилари Урганч шаҳрида ўтказилган футбол мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасидаги минтақавий республика биринчилигида голибликка эришиб, Термиз шаҳрида бўлиб ўтган финал ўйинларида қатнашиб ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ёш футболчилар маҳоратини оширишда мураббийлар Анвар Аминов, Завқи Уринов, Воҳид Валиевнинг хизматлари катта.

Эътиборли томони шундаки, туманимиздаги спортсевар иқтидорли ўқувчиларнинг бир гуруҳи вилоятнинг энгил атлетика, кураш, футбол каби терма жамоалари сафига қабул қилинган. Бу ҳаракатлар юксалиш босқичида тобора ривож топишига аминман.

Шавкат ҚУДРАТОВ,
Таълим ва фан ходимлари Ромитан туман бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси



Боксчи Аббос Атоев, дэю-дочи Ришод Собиров, оғир атлетикачи Юлдуз Суфиддинова, бадий гимнастикачи Хусниябону Фуломова, шашкачи Ниғина Бозорова, музай-тайчи Жобир Тошпулатов, энгил атлетикачи Ниғина Шарипова... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.

Маҳалламиз чемпионлари

Уларни нафақат республикамиз, балки Осиё ва жаҳонда яхши билишади, эътироф этишади. Қувончлиси, маҳалламизда камол топган ушбу чемпионларнинг ортидан қўллаб-қувватлаш, спортга ошно тутинмоқда. Маҳалла ёшларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида 379 та фуқаролар йиғинларида болалар спорт майдончалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган. Спорт майдончалари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда ёшлар коллеж, лицей ҳамда мактабларнинг спорт зали ва майдончаларидан фойдаланишлари учун маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ўқув муассасалари ўртасида шартнома тузилган.

Маҳаллаларда ташкил этилган 1558 та тўғарақда ўғил-қизлар волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, каратэ, бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланишапти.

«Футболимиз келажаги» анъанавий турнирида вилоятимиз ёшлари муваффақиятли қатнашиб келмоқда. 2008 йилда турнир иштирокчиларининг сони 36 минг нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сафи 40 минг нафарга яқинлашди.

Баркамол авлод йилида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаралмоқда. Спорт майдончаларида шарт-шароитларни яхшилаш учун жамғарма ҳисобидан 13 миллион сўм маблағ ажратилди. Мақсадимиз — ҳар бир маҳалланинг ўз спорт майдончаси бўлишига эришиш. Уларга ҳомийлар, жамоатчи мураббийлар бикритилган. Барча туманларда «Энг яхши болалар спорт майдончаси» кўрик-танловини эълон қилдик. Ушбу йўналишда ишларимизни давом эттириш ниъатимиз.

Бехбуд ЖУМАЕВ,
Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси

Кейинги йилларда меҳнаткашлар ва ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш бўйича олиб бориладиган ишлар, яъни доимий равишдаги спорт тадбирлари бу муҳим жараёнда мустақил ҳамда ташкилий равишда шуғулланувчи кишиларни кўпроқ жалб қилиш имконини бермоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларида 330 та бошланғич жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 192 таси қишлоқларда жойлашган.

Машғулотларнинг юқори савияда ўтиши учун 23 та стадион, 3 та сузиш ҳавзаси, 31 та спорт зали, 27 та теннис корти, 122 та волейбол ва баскетбол, 99 та футбол ва мини футбол майдонлари бошланғич жисмоний тарбия жамоалари ихтиёрига топширилган. Бу иншоотларда 39,717 нафар киши шуғулланмоқда, уларнинг 1383 нафари хотин-қизлардир.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касба уюшма кенгаши ҳамда вакилликлари томони-

Маҳорат

дан ҳар йил ўтказиб келинаётган тармоқлараро спартакидалар катта спорт байрамига айланиб кетмоқда. Ёшлар ўртасида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кубоги учун стол тенниси, шахмат, шашка ва энгил атлетика бўйича

ўтказилган тармоқлараро мусобақалар ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 10 нафар мураббий фаолият олиб бормоқда.



Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

пня захиралари спорт мактаблари ҳисобланади. Бундан ташқари, олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида 9 та махсус спорт мактаб интернатлари ташкил этилган.

чим устида хоккей каби спорт турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хар бир туман ва шаҳарлардаги бўш бинолар Болалар спортини ривожланти-

мгарма вилоят филиалининг манзилли қурилиш дастури бўйича 3 та муқса ва санъат мактаби, 1 та 1-тип футбол стадиони ҳамда 5 та умумтаълим мактабларига спорт заллари қуриш ва спорт анжумлари билан таъминлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, ижтимоий муҳофизатга муҳтож оила болаларини спорт кийим-кечаклари билан таъминлаш, мураббийлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, БУСМ ҳамда спорт интернатлари моддий техника базаларини яхшилаш, фидойи устозларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган.

Шуни мамнуният билан қайд этиш кераки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида вилоятда умумтаълим мактаблари 1072 та стол теннислари билан таъминланди.

Жорий йилда бадий гимнастикани ривожлантириш мақсадида ҳар бир мактабга таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, ёшлар ижодий марказларида шарт-шароитлар яратиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда.

Ушбу ҳаракатлар охир-оқибат юртимиз спортини шон-шухратини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз. Зеро, соғлом авлод — юрт келажагидир.

Исмоил МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят филиали директори

Юрт келажаги

Албатта, асосий ишни мавжуд спорт иншоотларида болалар билан бирга ишлайдиган, улар қалбида спортга меҳр-муҳаббат уйғотадиган малакали мураббийлар амалга оширишади. Бу борада мавжуд имкониятлар доирасида етук мураббий кадрлар тайёрлаш, уларни рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланган. 2008 йилдан бошлаб барча мураббийлар ички назоратдан ўтказилмоқда ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳар чорақда алоҳида спорт турлари бўйича тажрибали мутахассислар бошчилигида ўқув семинарлари ташкил қилинмоқда.

риш жамғармаси ва ҳомилар ҳисобидан таъмирланиб, бадий гимнастика марказларига айлантирилди. Барча спорт мажмуаларида қизларнинг бадий гимнастика билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилди. Аёл мураббийлар учун «Нафис» бадий гимнастика марказида ўқув курслари ташкил қилинди. Бугунги кунда ушбу спорт тури билан 44 нафар мураббий кўл остида 3564 нафар ёш спортчи қиз шуғулланиб келмоқда.

Хусниябону Фуломова, Сарвиноз Холқова каби ёшларимиз жаҳон шохсупаларида ўз макеларини мустақамлаб келатган бўлса, Бахринисо Эргашева, Садабону Икромова, Элизавета Шарипова сингари қизларда тарбияланган спортчиларимиз Ўзбекистон чемпионатларида муносиб иштирок этмоқдалар.

Соғлом ва баркамол авлодни воғга етказиш, яратилган шароитларни янада яхшилаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали дастури тузилди. Жа-

Вилоятда ҳали шаклланмаган спорт турларига болалар қизиқишини ошириш мақсадида 44 та федерация ташкил қилиниб, ҳар бирининг бўлимлари шаҳар ва туманларда очилди. Бундан ташқари, 45 та спорт клуби фаолият бошлад. Айниқса, енгил атлетика, камондан ўқ отиш, сузиш ва қизлар синхрон сузиши, бадий гимнастика, бадминтон,


Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимизда қишлоқда яшовчи 312 нафар ўқувчи тахсил олади. Замонавий иншоотда ёшларимизнинг доимий шуғулланишлари учун барча шарт-шароит, спорт анжумлари етарли. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 15 нафар мураббий ҳамда мутахассис волейбол, футбол, катта теннис, шахмат, кўл тўпи, стол тенниси, миллий кураш, енгил атлетика бўйича сабоқ беришапти.

Камолот сари

Мактабимиз яқинда ташкил топганига қарамай, спортнинг кўпгина турлари бўйича вилоятда совриндорлар сафидан жой эгаллаб келаяпти. Кўл тўпида Сарвиноз Сурхоннова, Гулрухсора Субхоннова, Ойдин Шомуродова, миллий курашда Жасур Ражабов, Нодир Пулатов, Абдусамад Халимов, Аҳмад Азимов, стол теннисда Садоқат ва Зарина Султоновалар, Феруза Ҳамроева, ядро улоқтиришда Муҳриддин Жумаев, енгил атлетикада Уйғун Нековлар тенгдошларига ибрат бўлмоқда. Шу ўринда мураббийларимиздан Дилмурод Асадов ва Полвон Ҳафизовнинг хизматлари юқори самара бераётганини ҳам эътироф этиш жоиздир.

Юртбошимизнинг ёшларга ғам-хўрлиги, жумладан, қишлоқ жойларидан спортини ривожлантириш учун кенг имкониятларни яратиб берганига самараси йил сайин кўпроқ намоён бўлмоқда. Шубҳа йўқки, яқин орада бизнинг ўқувчиларимиз ҳам мамлакат ва жаҳон майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Ҳикматилло САЙФИЕВ, Ғиждувон туман халқ таълими бўлимига қарашли 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубшуноси



Ишчи-ходимлар, айниқса, ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу борада ҳаракатларимиз кўламини йил сайин кенгайтириб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда таълим муассасаларида фаолият кўрсатган 7 миң нафар ўқувчи ва ишчи-ходимлар ҳамда ўқувчилар турли спорт мусобақаларига жалб этилди. 1800 нафар мусобақа ғолиблари касбаба уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, 39 та таълим муассасасига спорт анжумлари ва кийимлари олиб берилди. Ушбу мақсадларга 13 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўқувчиларимизни Осиёда ҳам танишади

2010 йилнинг 1 чорагида Баркамол авлод йилига бағишлаб Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Когон, Шофиркон, Қорақўл касб-хунар коллежларида мини футбол, баскетбол, волейбол, миллий кураш бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақа қатнашчиларига беришган касбаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари, ғолиб жамоаларга спорт кийимлари ва анжумлари берилди. Чорак давомида спорт-соғломлаштириш тадбирларига 2 миллион 480 миң сўм маблағ сарфланди.

Бугун фаолият кўрсатаятган 88 та таълим муассасасининг барчасида спорт зали, 271 та спорт майдони ҳамда 1 та сув ҳавзаси мавжуд. Уларда спортнинг 28 тури бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Спорт тўғарақларига қатнашаётган 32156 нафар ўқувчининг 14234 нафарини қизлар ташкил этади.

Бундан ташқари, 12470 нафар талаба «Бухоро» спорт мажмуаси, «Олимпия» спорт мактаби, «Хумо» теннис корти, «Семург» ва «Ёшлик», шунингдек, туманлар марказларидаги спорт мажмуаларида бокс, кураш, таэквандо, футбол, теннис, сузиш каби спорт турлари бўйича тўғарақларда қатнашмоқда.

Бугунги кунда таълим муассасаларида 385 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчи ва мураббийлари талаба-ёшларга соғломлаштириш борасида сабоқ беришмоқда. Уларнинг 40 нафари аёллардир. Ҳисобот йилида 60 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчилари тегишли олий ўқув юртида малака ошириб қайтиди.

Эътиборлиси шуки, бошқарма тасарруфидидаги таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар жаҳон, Осиё ва халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар. Шу йил март ойида 1994-1995 йилларда тузилган қизлар ўртасида ўтказилган аънавий «Камолот малакиси» Республика мусобақасининг финал босқичида Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси Ситора Шамсиева фахрли 1-ўринни эгаллади. Бухоро олимпия захиралари ва спорт коллежи ўқувчиси Света Исмоилова ўтган йили феврал ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида қизлар ўртасида ўтказилган самбо кураши бўйича Осиё чемпионатида қатнашиб, олтин медал билан тақдирланди. Шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, ёшларнинг спортга қизиқиши тобора ортаётганида.

Абдурахмон БОЗОРОВ, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касбаба уюшма кўмитаси раиси

Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбири Иззатулла ХОЖИЕВ тайёрлади.

Чорвачилик — касбаба уюшма оталигида

Кўлни кўлга бериб

(Давоми. Боши 1-бетда).

Полшанинг қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий уруғлантириш маркази «Бидгош» билан ҳамкорликда насли ҳуқуқларнинг музлатилган уруғларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонани ташкил этиш ишлари якунига етиб борапти. Корхонага 38 бош насли буқа келтириш назарда тутилган бўлиб, ўша буқалар карантинга қўйилди ва Беларусь, Россия ҳамда Козогистон давлатлари ветеринария Бош бошқармаларидан транзит рухсатномалари олинди.

«Узнасччилик» корхонаси базасида техник-осменаторлар малакасини оширишга доир ўқув курслари ташкил этилиб, дарс жадвали ишлаб чиқилди ва ўқитиш ишлари бошлаб юборилди. Жорий йил давомида 740 нафар мутахассиснинг малакасини ошириш белгиланган бўлиб, шу кунгача 228 нафар киши ўқиди.

Ҳуқуқимиз кўрсатмаларига биноан ёрдамчи хўжалик тузиш истагини билдирган ташиқлотларга насли мол етказиб бериш борасида изчил фаолият юритилаяпти. Бугунги кунга қадар Хоразм вилоятидаги «Урганч» ва яна 4 та дон корхоналарига 106 бош, Наманган вилояти «Донмахсулотлари»га 10 бош, Бухоро вилояти «Донмахсулот» корхоналарига 55 бош, Сирдарё вилояти «Ховосдон» АЖга 15 бош, Сурхондарё вилоятидаги аҳоли ва деҳқон хўжалиқларига 167 бош қора мол тайёрлаб сотилди.

Ушбу жараёнда касбаба уюшма ташкилотлари суянган тоғимизга айланган. Масалан, зооветеринария шохобчлари ва нукталарига иш учун ниҳоят зарур қайд этиш журналини етказиб беришда, сунъий уруғлантиришнинг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот юритишда, жумладан, аҳоли пунктлари ва мол бозорларида турли паннолар ўрнатилиши, рекламалар назорати каби талай вазифаларни адо этишда касбаба уюшма билан ҳамкорлигимиз яхши самара берапти. Айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятларидаги мазкур соҳа фидойилари саъй-ҳаракати барчани мамнун этаптир.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Белида белбоғи борлар

Эллиқалъа республикамизнинг энг илгор туманларидан бири бўлиб, иқтисодий кўрсаткичлари барча жабҳаларда юқори. Сўзимизни исботлаш учун туман соҳадорлари хайъига бир нафар чорвачилик...

Туман аҳолиси 82492 бош қорамол парвариш қилади. Улар ихтиёрида яна 103 миңдан ортиқ қўй, эчки, 156 миңдан зиёд парранда, 2169 та йилки, 1208 бош туя бор. Чорвачилик билан 46 та фермер шуғулланади. Аҳоли ва фермерлар кўмағида йилнинг ўтган даври мобайнида 1523 тонна гўшт, 3482 тонна суг, 916 миң дона тухум, 3016 дона қорақўл тери етиштиришга муваффақ бўлинди.

Чорвадорларимизга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаяпти, — дейди туман бош ветеринария шифокори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган чорвадор Тожибой Муфтуллаев. — Бунинг учун бир қанча ветеринария лабораторияси, 5 та ветеринария участкаси, 8 та шохобча ташкил қилинган. Хизмат кўрсатувчи 24 мутахассиснинг 9 нафари олий маълумотли.

Шунингдек, барча қорамоллар куйдирги, қорасон, оксил, қутурчи каби касалликларга қарши эмланмоқда.

Сарибий қишлоғида жойлашган «Қудрат» зооветеринария шохобчаси фаолиятдан қишлоқ аҳли мамнун. Унга тажрибали шифокор Султонбой Худойбергандов, мудирлик қилади. Қишлоқ чорчасига тиббий хизмат кўрсатила бошлаганидан буён чорва маҳсулотлари етиштиришнинг сифати ва сони ошиб, қорамол паррандаларда учрайдиган турли касалликларнинг олди олинди. Шохобчада сунъий қочир ишлари ҳам белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Бош зооветеринария шифокорининг таъкидлашича, туман чорчасига малакали тиббий хизмат кўрсатишда Куронбой Сейданов, Шоназар Норбоев, Фахриддин Каримов каби ўз ишининг усталари муносиб улуш қўшаптир.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошчилигининг чорвачилик бўйича ўринбосари Озод Яхшимуродов билан суҳбат жараёнида, етти хазинанинг бири бўлиши балкичиликни ривожлантириш борасида ҳам муйан ишлар амалга оширилатганини билиб олдик.

Утган йили туманда 3 та тиббий кўл фаолият юритган бўлса, бу йил яна қўшимча 4 та сунъий кўл яратилди. Туманда балкичилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари 8 тани ташкил қилади. Утган йили аҳоли дастурхонига 4 тоннадан зиёд балқ етказиб берилди. Бу йил эса бу кўрсаткич 10 тоннадан ошади.

— Асаларчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Озод Яхшимуродов. — Бунда аҳолининг қизиқиши ҳам рол ўйнаяпти.

Дарҳақиқат, ўтган йили туманда 39 оила асаларчилик билан шуғулланган бўлса, бу йил улар сони 47 га етди. Асаларчилик сирларидан оз-моз воқиф бўлиб, туман чорвадорлари эришаётган ютуқларини ён дафтаримизга қайд қилгач, уларга яратилаётган шароитлар билан ҳам қиздик.

Барча аъзоларимиз қатори чорвадорларимиз ҳам доимий эътиборда, — дейди агросаноат мажмуи ҳодимлари касбаба уюшмаси туман кенгаши раиси Файзулла Худойбергандов. — Маошлар ўз вақтида берилаётди. Бўш вақтларини сермазун ўтказишларига улш қўшиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштиряяпти. Саломатликлари ҳаммаша эътиборда.

Муҳаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси

Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида

Ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан 02.03.2009 йилдаги №2-012-10-сон иқро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси МХК Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 17 У 30 32, бўлган «ЛАСЕТТИ» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 10 462 526 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 6 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Талабдорлар диққатига! Юқоридаги кўмаси мулк ва автотранспорт воситалари 2010 йил 6 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўмаси мулк ва автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июл куни бўлиб ўтишини ававалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИИН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб таниш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касбаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ Марказий кенгаши раисининг ўринбосари — инсонпарварлик масалалари ва ахборот бўлимининг мудири Бўришот Давидова кизи НОДИРАХОННИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия ихзор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касбаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Бухоро давлат университети ходимлар касбаба уюшма кўмитасининг собик раиси ҒИЁС САЛОМОННИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

мактаби


Мазкур мактабда футбол, теннис, бокс, енгил атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши ривожланмоқда. Ёш спортчилар турли очик мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси

аъзолари Муроджон Аблоқулов, Маъруфжон Нуруллаев, Соҳиб Атоев сингари маҳоратли ёшларимиз бошқаларга ўрнак бўлишапти.

Бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили соғломлаштириш оромгоҳларида спорт тадбирлари ўтказилаёт-

гани яхши самара берапти. Жойларда машғулотлар учун тегишли шароитлар яратиш, соғломлаштириш тадбирларини бундан кейин ҳам аниқ режалар асосида давом эттириш бош вазифаларимиздан бири бўлиб қолавермади.

Болта ҒАФАРОВ, вилоят касбаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий



Қадриятларимиз



Нукус шаҳрида Ўзбекистон «Хумаранд» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Ўзбекистон Миллий тиланиш демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида хотин-қизларни уста-шогирд аъёнлари асосида касб-хўрага йўналтириш мақсадда «Миллий кўй» чоклар — маънавийтимиз кўзгуси мезонда маҳорат сабоқлари ўтказилди.



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Санъатга ошуфта қалб

Манзура ая 85 ёшида чанковуз чалиб, «Барҳайт наволар» кўрик-танловининг вилоят босқичида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди. Аянинг қувончига ўша кўни бутун кишлоқ шерик бўлди. Ахир бу табарруқ ёшда чанковузда оханграбо кўй чалиб, танловда ғолиб бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да.

Республика миқёсида учинчи ўринни эгаллаган Манзура ая Раҳимхўжаева асли тошкентлик, Кўкчанин Оқтепасида деҳқон оиласида дунёга келган. Отаси Раҳимхўжа Камолхўжаев ўттинчи йилларда қолхоз тузиб, узоқ йиллар раислик қилган. Онаси Ибодатхон Сулихўжаева ҳам замонасининг қўлигул чеvarларидан бўлган.

Кўнларнинг бирида отаси Раҳимхўжа ўзи раислик қилаётган қолхозга таниқли санъаткорлар — Мукаррама Турғунбоева, Халима Носирова, Тамарахоним, Зайнаб Садриева, Зайнаб Полвоновани таклиф қилди. Қолхозчилар мазза қилиб маданий хордик чиқаришди. Концерт тугагач Мукаррама Турғунбоева сахнадан тушаётиб, қизалоққа кўзи тушди.

Кизалоқ осмонга етарди. Қизалоқ халқимизнинг ардоқли санъаткори Мукаррама Турғунбоевага шогирд тушди. Турмуш ўртоғи Аҳмадбой биринчилар қатори фронтга кетган. Кишлоқда аёллар, қариялар ва ёш болалар қолганди. Манзуранинг хат-саводи бўлгани учун пахтачилик звеносини унга ишониб топширишди. Манзура билан ўша оловли йилларда Раҳима, Уғиллой, Хайрихон, Олия, Хури каби қўллаб-қувватловчи фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишди. Урушда турмуш ўртоғи Аҳмад оёғи ва белидан икки бор оғир яраланди. Бешта панжасидан айрилиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтди.

қандай оғир иш бўлса ҳаммасини бажардик, — деди ая. — Октябрь ойида қор ёғди. Шунда ҳам белимизга этак тутиб, таёқ билан ғўзадаги қорни тўкиб, кўсақ тердик... Уша қора кўнларни эсласам юрагимда оғрик пайдо бўлади. У кўнларни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасин. Манзура ая турмуш ўртоғи Аҳмад ота билан икки ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Раҳматхон ҳам Раҳимхон ҳам ички ишларда узоқ йил ишлади. Раҳматхон бутун нафақада. Раҳимхон хизмат вазифасини бажариш вақтида автохалокатга учраб вафот этди. Турмуш ўртоғи Аҳмад ота 85 ёшида бу дунёдан ўтди. Хозирги кунда Манзура ая ўғли Раҳматхон ҳамда набиралари ардоғида қариллик гаштини сурмоқда. Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйи қошидаги «Муножот» фольклор этнографик халқ дастасининг энг фаол аъзоларидан. Ая 85 ёшдан ошган бўлса ҳам ҳамон халқ хизматида.

Латифжон МАНСУРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳиби

Газетхон илҳами

Ватан содик содиқсён

Қорлар эриб тоғни тарк этган чоғлар, Пастга қараб чопар жилға, ирмоқлар, Дарахтни тарк этар кузда япроқлар, Чаман бўлмай қолар ҳаттоки чаман, Ташлаб кетмас сира инсонни Ватан.

Ақлу ҳушинг бошдан учса ҳам баъзан, Унутма ўзингни, ўзлигингни ҳам, Шунақаси бўлиб турар ҳар замон — Чаваңдозни ташлаб кетади саман. Ташлаб кетмас сира инсонни Ватан.

Дейдиларки, ўсма кетар, қош қолар, Ош сузилса ўчоқ қолар, дош қолар, Гар дўппи шамолга учса, бош қолар, Йиқитай деб ғаним йўлга тош қалар, Ташлаб кетмас сира инсонни Ватан.

Болалик кетади фироққа бойлаб, Ёшлик ҳам ўтади — баҳорий ойлар, Худди она каби асраб-авайлар, Мирзо бу гапларни дилингда жойла, Ташлаб кетмас сира инсонни Ватан.

Мирза ҚАЙНАРОВ, касаба уюшма фахрийси Сардоба тумани

Мижоз манфаати устувор

Хозирги кунда фермер хўжаликлари фақат пахта ёки ғалла етиштириш билан шуғулланибгина қолмай, тадбиркорликни ҳам ўзларига касб қилиб олишган. Чунки битта тармоққа ихтисослашган киши ўзидан орттириб бойлик йўлга олмайди, маҳалладошларини иш билан таъминлаб, ижтимоий химоя қилишни қийин. Шунинг учун «Агробанк»нинг Жумашуй филиали мижози «Мингбулоқ» фермер хўжалиғи тадбиркорликни кенгайтириб, паррандачиликни ривожлантиришга аҳд қилди. Бу ишни амалга оширишда банк ёрдамга келди. Яъни банк фермерга товук боқишга мўлжалланган махсус миқдорда ва жўжа сотиб олиш учун 90 миллион сўм кредит ажратди. Фермер бунинг эвазига 13 минг 700 та жўжани парваришлади, 12 та янги иш ўринини яратди. Айни чоғда товуклар тухумга кириб, дўқонларга кунига ўртача 6500 дона тухум тарқатилмоқда.



Кредит: бу янги иш ўринлари демакдир

«Пўлатбой Собиржон Жобирхон» фермер хўжалиғи ҳам шу ишни қилди. Банк кредити ҳисобига паррандачилик фермасини ташкил этди. Хозирги кунда бу ерда 30 мингта жўжа парвариш қилинмоқда, 10 нафар киши иш билан таъминланган. Қелгусида яна 30 та янги иш ўринлари яратишни кўзда тутилган. «Агробанк»нинг Наманган вилоят бошқармасида шунга ўхшаш қўллаб-қувватловчи ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун ўтган йили паррандачилик, асаларчилик, балиқчиликни ривожлантиришга ва иссиқхона қуришга 1,5 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирилди. 2010 йилнинг 1 май ҳолатига эса яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларининг 159 та лойиҳаси қўллаб-қувватланди. Уларга 4 миллиард 233,8 миллион сўм кредитлар берилди. Шунинг 4 миллиард 218,8 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлиб, 562 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Мамлакатимизда ёшларга, хусусан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Бу юмушга бошқарма ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Жумладан, ўтган қисқа давр ичида 16 та ёш оилага тадбиркорлик фаолияти учун 146 миллион сўм кредит ажратилди. Тўғриси айтсам, уйлانгандан кейин озгина иқтисодий қийинчиликларга дуч келдим, — дейди Тошбулоқ туманида истиқомат қилувчи Азизбек Эргашев. — Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қўл калталик қиларди. Уйлаб-уйлаб «Агробанк»нинг Тошбулоқ бўлимига бордим. У ердагилар ёш оила сифатида кредит олишим мумкинлигини айтишди ва 2,5 миллион сўм маблағ билан қўллаб-қувватлашди. Бу пулга чорва молларини сотиб олдим ва турмуш ўртоғим иккаламиз ишли бўлдик.

— Мен ҳам тадбиркор бўлишни орзу қилиб банкнинг Чуст бўлими ходимларига учрадим, — дея сўхбатни давом эттирди Рустамжон Мирхамидов. — Улар мени очик чеҳра билан кутиб олишди. Маслаҳат берилди. Хозирги кунга келиб 10 миллион сўм кредит ҳисобига савдо ва сервис соҳаси билан шуғулланиб келмоқдаман. 3 та янги иш ўринини яратдим. Баъзида тадбиркорга айланма маблағлари етишмаслиги натижасида кунлик тушум камайиб кетади. Бу ишни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун кредит қўл келарди. Бошқарма томонидан ўтган давр ичида ана шу мақсадга кредитлар ажратилган эди. Шу йилнинг тўрт ойида озик-овқат, нефть, халқ истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилган кредитларнинг 930,5 миллион сўми ундирилди. Муҳими, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот сотишдан банкка топширилган нақд пул маблағи 7 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашда Осий тараққиёт банки (ОТБ)нинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётти. Утган вақт ичида ушбу молия муассасаси кредит йўналишининг 1,5 миллиард сўмга яқин маблағи ўзлаштирилди. Жами 117 лойиҳа молиялаштирилди. Хусусан, банкнинг Тошбулоқ филиали мижози Умиджон Холбоев 14 миллион сўм кредит эвазига чорвачилик билан шуғулланмоқда. Давлатободдан Икромжон Акрамов 12 миллион 500 минг сўм кредит олиб, тикувчиликни йўлга қўйди. Уйчи туманида яшовчи Алишер Бойдодаев эса 13 миллион сўм кредит ҳисобига дурадгорчи-



ликни ривожлантирмоқда. Деҳқонларга ёрдам қўлини чўзиш мазкур банкнинг асосий вазифалари сирасига киради. Шу боис бошқарма томонидан «Кишлоқ хўжалиғи корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларини бажариш борасида зарурий чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра, ғалла ҳосилини етиштириш учун 12 миллиард 411,3 миллион, пахта ҳосилини етиштиришга 24 миллиард 597,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Хўжалик юритувчи субъектларни зарурий техник воситалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида вилоятдаги МТП корхоналарига дон ўриш комбайнлари эҳтиёт қисмларини ва нефть маҳсулотларини сотиб олиш учун 1 миллиард сўмга яқин ёрдам кўрсатилди. «Пахтасаноат» корхоналари 208,7 миллион сўм кредит ҳисобига ўз айланма маблағларини тўлдириб олди. «Кишлоқхўжалиқим» тармоғига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳам минерал ўғит сотиб олишда 220,6 миллион сўм банк кредитларидан фойдаланди. Бундан ташқари, фермер хўжалиқларига қорамол ва парранда, ҳайдов ҳамда чопиқ тракторлари, омон, тиркамалар сотиб олиш учун кредит маблағлари билан ёрдам кўрсатилди. Банк ёрдамидан деҳқон хўжаликлари ҳам куруқ қолгани йўқ. Улар шахсий томорқасида мева ва сабзавот етиштириш учун 600 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари билан таъминланди. Фулом ЮСУПОВ, «Ishonch» муҳбири

Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abduliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti... Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... Navbatchi muharrir: A. Qodirova... N.Maxamov... S. Shodiyeva... Buxoruga G — 551